

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда республикада тариф ва пул-кредит соҳасида қўрилган чора-тадбирлар инфляция даражасини аста-секин пасайтириш имконини берди, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлади.

Шу билан бирга глобал молия-иқтисодий тизимидаги мураккаб ва тез ўзгарувчан, шунингдек, валюта муносабатларини тартибга солишни либераллаштириш шароитида макроиқтисодий барқарорлик ва аҳолининг турмуш даражасини оширишни таъминлашга қаратилган монетар сиёсатнинг амалдаги инструментларини тубдан қайта қўриб чиқиш талаб этилмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясига** мувофиқ, шунингдек, пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, илғор халқаро тажрибага мувофиқ монетар сиёсатнинг янги инструментларини жорий этиш, миллий валютанинг мустаҳкамлигини ва республикада макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда унинг ролини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли **Фармони** билан валюта бозорини либераллаштириш жараёнларида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган қатъий монетар сиёсат олиб бориш белгиланган бўлиб, бунда унинг инструментларидан фаол ва мослаштирган ҳолда фойдаланишни назарда тутиш, давлатнинг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, очиқ бозорда операцияларни амалга ошириш амалиётини ҳамда давлат қимматли қоғозларини гаровга қўйиш билан банкларнинг ликвидлигини ошириш бўйича операцияларнинг жорий этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ички нархларнинг барқарорлигини таъминлашда ўрта муддатли истиқболда пул-кредит сиёсати мақсадларига эришиш принцип ва механизмларини хорижий марказий банклар томонидан қўлланиладиган инфляциявий таргетлаш режимига ўтиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси ҳамда **иловага** мувофиқ инфляциявий таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (М. Нурмуратов), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Г. Саидова) раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар комплексида белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йилнинг 1 мартигача ривожлантириш ва пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг ўрта муддатли Концепциясини ҳамда 2018 — 2021-йилларда Концепцияни амалга ошириш бўйича «йўл харитасини» ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда босқичма-босқич инфляциявий таргетлаш режимига ўтиш назарда тутилсин, улар қуйидаги йўллар орқали амалга оширилсин:

умумиқтисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш, бунда иқтисодий ўсиш, давлат бюджетининг баланслашганлиги ва иқтисодиётдаги нархлар даражасининг барқарорлиги бўйича ўзаро ҳаракатлар ва мақсадларнинг келишилганлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш;

ликвидликни таъминлаш ва жалб қилиш операциялари бўйича пул-кредит сиёсатининг самарали қўлланиладиган фоиз инструментлари турларини кенгайтириш;

тижорат банклари томонидан фоиз ставкаларини шакллантиришда, шу жумладан, кредитлар бўйича бозор механизмларини кенг жорий этиш;

илғор хорижий тажрибага мувофиқ макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлашни такомиллаштириш;

олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг, жумладан амалга оширилаётган сиёсатда қўлланилаётган инструментлар ва якуний мақсадлар тўғрисида ахборот етказиб бериш йўли билан, шаффофлик ва олдиндан башорат қилиш имкониятини ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йилнинг 1 октябригача ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Республика молия бозорини, шу жумладан, давлат қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш Концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 13 сентябрь,  
ПҚ-3272-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 13  
сентябрдаги ПҚ-3272-сон  
қарорига  
ИЛОВА

**2017 — 2021 йилларда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш ва инфляциявий таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш**

**ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ КОМПЛЕКСИ**

| Т/р                                                                                       | Чора-тадбирлар номланиши                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | Амалга ошириш шакли            | Ижро муддати              | Масъул ижрочилар                                                                                                                    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------|---------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>I. ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ</b> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |                                |                           |                                                                                                                                     |
| 1.                                                                                        | Ўзбекистон Республикаси молия бозори, шу жумладан кейинчалик уларни узоқ муддатли лойиҳаларга йўналтириш билан иқтисодиётда бўшпул маблағларини сафарбар қилиш, шунингдек, пул-кредит сиёсатини самарали олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат қимматли қоғозлар бозорини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш Концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | Хукумат қарори<br><br>лойиҳаси | 2017 йил<br><br>1 октябрь | Молия вазирлиги,<br>Марказий банк,<br>Иқтисодиёт вазирлиги,<br>Давлат рақобат<br>қўмитаси, манфаатдор<br>вазирликлар ва<br>идоралар |

|    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |                                                                                                                                                                              |                                                                                          |                                                                                                                          |
|----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 2. | Инфляциявий таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш учун зарур асослар ва шарт-шароитлар шаклланишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда пул-кредит сиёсатини ривожлантириш ва амалга ошириш бўйича ўрта муддатли Концепция ва 2018 — 2021 йилларда Концепцияни амалга ошириш «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш. | Марказий банк<br>Бошқаруви қарори                                                                                                                                            | 2018 йил<br>1 мартгача                                                                   | Марказий банк                                                                                                            |
| 3. | Валюта бозори либераллаштирилганидан кейин валюта курси режими ва пул-кредит сиёсатини белгилаш ва ишлаб чиқиш учун Халқаро валюта фонди техник қўмагини жалб қилиш.                                                                                                                                    | Халқаро валюта фонди<br>билан музокаралар олиб<br>бориш                                                                                                                      | 2017 йил<br>IV чорак                                                                     | Марказий банк                                                                                                            |
| 4. | Умумиқтисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсати амалиётини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, амалга оширилаётган иқтисодий ўсиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг баланслилигини ва инфляциянинг паст даражасини уйғунлиги ва мутаносиблигини таъминлаш.                                   | Республика банк кенгаши<br>ва Пул-кредит<br>комиссияси фаолияти,<br>функциялари ва<br>таркибини қайта қўриб<br>чиқиш асосида ягона<br>идоралараро коллегиал<br>органни тузиш | 2017 йил<br>IV чорак                                                                     | Марказий банк,<br>Иқтисодиёт вазирлиги,<br>Молия вазирлиги,<br>вазирликлар ва<br>идоралар                                |
| 5. | Банк тизимида ликвидликни тартибга солишда уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида мажбурий захиралар нормаларини қўллаш методларини такомиллаштириш.                                                                                                                                                 | Марказий банк<br>Бошқаруви қарори                                                                                                                                            | 2018 йил<br>I чорак                                                                      | Марказий банк,<br>тижорат банклари                                                                                       |
| 6. | Пул бозори ҳолатига ўз вақтида таъсир кўрсатиш, тартибга солиш самарадорлигини ошириш учун қисқа муддатли пул ресурсларини тақдим этиш ва жалб этиш банклараро бозори ягона платформасини ишга тушириш бўйича зарур чораларни амалга ошириш.                                                            | Марказий банк<br>Бошқаруви қарори                                                                                                                                            | 2018 йил<br>I чорак                                                                      | Марказий банк,<br>Ўзбекистон Банклар<br>ассоциацияси,<br>тижорат банклари                                                |
| 7. | Қарз воситалари бозорини ривожлантирган ва давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқара борган сари давлат қимматли қоғозлари билан очиқ бозорда хусусан РЕПО операциялари, ликвидликни тақдим этиш операциялари, шу жумладан ломбард кредитлари операцияларини амалга оширишни амалиётга жорий қилиш.  | Марказий банк<br>Бошқаруви қарори                                                                                                                                            | Давлат<br>қимматли<br>қоғозлари<br>муомалага<br>чиқарилгандан<br>кейин уч ой<br>давомида | Марказий банк,<br>Молия вазирлиги,<br>тижорат банклари                                                                   |
| 8. | Макроиқтисодий модел, шунингдек, кейинчалик тегишли асосланган қарорларни қабул қилиш учун таҳлил ва прогнозлар сифатини ошириш мақсадида ўрта муддатли ва узоқ муддатли макроиқтисодий прогнозни баҳолаш ва шакллантириш методикаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.                                | Методик қўрсатма<br>(идоралараро)                                                                                                                                            | 2018 йил<br>IV чорак                                                                     | Иқтисодиёт вазирлиги,<br>Марказий банк, Молия<br>вазирлиги, Давлат<br>статистика қўмитаси,<br>вазирликлар ва<br>идоралар |
| 9. | Фоизли воситаларни оптималлаштириш ва пул-кредит инструментларининг узатиш механизмининг ишлаш самарадорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк пул-кредит сиёсати асосий индикатори сифатида энг муҳим ставка ва фоиз йўлагини жорий қилиш.                                                           | Марказий банк<br>Бошқаруви қарори                                                                                                                                            | 2019 йил<br>IV чорак                                                                     | Марказий банк                                                                                                            |